

1975 йил, бешйиллик вахтасин қабул эт!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ.

№ 255 (5348).

31
ДЕКАБРЬ
СЕШАНБА

1974 йил.

Баҳоси 2 тийин.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ КРИВОЙ РОГ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ ТЎҚЗИНЧИ ДОМНА ПЕЧИ КОМПЛЕКСИНИНГ ҚУРУВЧИЛАРИ, МОНТАЖЧИЛАРИ, МЕТАЛЛУРГЛАРИГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА, ҚУРИЛИШНИНГ ҲАММА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Украина ССР оғир индустрия корхоналари қуриш министрига қарашли «Кривбастрой» комбинати, Украина ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрига қарашли ихтисослаштирилган ташкилотлар, СССР энергетика ва электрлаштириш министрига, транспорт қурилиш министрига, Кривой Рог металлургия заводи, машина-ускуна етказиб берган машина-созлик корхоналари, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари коллективларини, қурилишнинг ҳамма қатнашчиларини аъжойиб меҳнат галабаси — жаҳонда энг катта домна печи — 5000 куб метр ҳажмли ва йилга тўрт миллион тонна чуён қўйиб чиқарадиган тўққизинчи домна печини барвақт қуриб битказилганлиги ва ишга туширилганлиги билан қизгин табриқлайди.

Шу нобб домна комплексининг қурилиш КПСС XXIV съездининг мамлакат иқтисодий қудратини кучайтириш, қора металлургияни янада ривожлантириш борасидаги қарорларининг конкрет амалга оширилиши, олимларини,

миз, лойиҳачиларини, қурувчиларини, монтажчиларини, машинасозларини ва металлургияларини эришган узувдор ютуқлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шунинг асосида билан қайд этилганлиги, янги домна печи қисқа муддатларда қуриб битказилди, уни лойиҳалаш ва қуришда фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланилди, барча ишлаб чиқариш ва технология жараёнлари мумкин қадар кўпроқ механизация қилинди ва автоматлаштирилди. Булар домнада чуён эритиш юзасидан мамлакатда энг юксак техника иқтисодий кўрсаткичларга эришилганини таъминлашга, металлургия ишлаб чиқариш техника даражасини ошириш юзасидан олға катта қадам ташлашга имконият беради.

Улкан домна яратиш борасидаги ҳақиқат ҳажмидаги ишларнинг муваффақиятли бажарилишга — қурилиш қатнашчиларининг меҳнатга ҳаққини коммунистик муносабатда бўлганликларининг, қурилиш-монтаж ишлари юксак даражада ташкил этилганлиги, про-

грессив лойиҳавий ечимлар ва индустриал қурилиш методлари кенг қўлланилганлиги, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг таъсирчан социалистик мусобақани аяб олдириш борасида катта ташкилий ва сиёсий иш олиб бортанликларининг натижасидир. Печь комплексини қуришда қардош республикалар халқларининг социалистик тузумга хос дўстлиги ва ўзаро ердами яққол намоён бўлди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қурилиш ва монтаж ташкилотлари «Кривоорожсталь» заводининг бошқа объектларининг ҳам жадал суръатлар билан қурилишини таъминлайдилар, металлургия эса, янги домна печининг лойиҳадати қувватини барвақт ўзлаштирадилар, деб астойдил ишонадилар.

Азиз ўртоқлар, янги 1975 йил арафасида сизларга сиҳат-саломатлик ва катта бахт-саодат ва улуғ ватанимиз фаровонлиги йўлида меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ

И. ФАХМИНИ, ҲАРБИЙ МИНИСТРИ М. А. Ғ. ҒАМАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари А. А. Громио ва А. А. Гречко билан биргаликда Миср Араб Республикасининг ташқи ишлар министри Исмонд Муҳаммад Абдулгани Ал-Ғамасини қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат давомида Совет Иттифоқи

билан Миср Араб Республикаси ўртасида ҳар тарафлама ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва дўстликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Л. И. Брежнев араб халқларига, шу жумладан, Фаластиндаги араб халқига уларнинг Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчликни барқарор қилиш мақсадида олиб бораётган курашига Совет Иттифо-

қининг ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериш йўли ўзгармас эканлигини таъкидлади.

И. Фахмини ва М. А. Ғ. Ғамасини президент А. Садат ҳамда Миср Араб Республикаси номидан араб давлатларининг ҳаққоний ишчи қўллаб-қувватлашда принципиал ва дўстона позицияда эканлиги учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ
МИСРГА, СУРИЯГА ВА
ИРОҚҚА ҚИЛАДИГАН
ВИЗИТЛАРИНИНГ
КЕЧИКТИРИЛИШИ
ТЎҒРИСИДА

Бир томондан, Совет Иттифоқи раҳбарлари, иккинчи томондан Миср Араб Республикаси ва Сурия Араб Республикаси ва Ироқ Республикаси раҳбарлари ўртасида эришилган келишувга мувофиқ КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу мамлакатларга илгари 1975 йил январь ойига белгиланган визитларини кеҳроқ муддатга суриш тўғрисида шартлашиб олинди.

Визитларнинг томонлар учун ўзаро маъмул янги муддати тўғрисида кейинроқ келишиб олинади.

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА

Эртага 1975 йил — Янги йил. 1974 йил билан хайрлашмоқдамиз. Йиллар борки, уларнинг ҳар бири кунини, ҳар бир ойини асрларга, ҳар йилларга тенг, бир неча фасллар ва даврлар мазмунини ўзига муҳасабас қилиб қолдириб қўлади. У йилларда шўхрат, жасорат, тарихий зафарномалари халқимиз дилида, қалбида абадий сўймайди, у йилларнинг унутилмас тарихи, мунавар ёдгорликлари қолдириб қолди, булардан сўнгги йилларимизга — ҳаёт истиқболларига нур сочиб туради. 1974 йил ана шундай зафарлар, қувонч, серфайз, сермазмун, унутилмас, оламшумул галабалар йили бўлди.

Янги йилнинг мусоффо тоғи еришган пайтда ҳар бир совет кишини бу йилнинг солномаларига, заррақалари, ижодкор ва яратувчилик ишларининг қулуғларида гуруҳ, шавқ-зақ билан боғлади. Улкан галабаларга бой бўлган тўққизинчи беш йилликнинг 1974 йили Ватанимиз куч-қудратини оширишда, халқ фаровонлигини юксалтиришда янги-янги зафарлар келтирди. Барча қардош, бир-бирга дўст ва биродар бўлган социалистик Ватанимиз халқлари ҳаётида порлоқ истиқболлар йили бўлди.

Ўзбекистон сановатининг жаҳонга ва илғор отряди ҳисобланган пойтахт областининг сановат корхоналари 20 декабрдан маҳсулот реализация қилиш давлат планини бажарди. Пландаги таъқир 63 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот сотилди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан янги маҳсулот ҳажми 9,3 процент ўсди, меҳнат унумдорлиги 6,2 процентга ошди. Капитал қурилиш соҳасида ҳам анча ютуқларга эришилди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эришган ютуқлар катта ҳақрамовлик ва жасорат намуналарининг яқинидир. Республикада биринчи марта она-Ватанга 5 миллион 330 минг тонна «оқ олтин» етказиб берди. Йил якунида пойтахт области пахтакорлари 452 минг тоналлик хирмонлари билан ҳисса қўшилди. Ҳиссанинг 72 процентини машиналарда териб олинди. Ҳар гентар майдондан 32,1 центнердан олтин дурдона териб олинди. Сабзавот, подзақ экинлари маҳсулотлари, луб, дон, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича олдинги социалистик мажбуриятлар остига билан бажарилди.

Серкўёш республикамизнинг шонли ярим асрлик юбилейи биргина ўзбек дийри меҳнаткашларининг эмас, Иттифоқимизда яшаётган барча халқларнинг қувончи, катта байрамига айланди. Бошқа қон-қардош республикалар юбилейи сингари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эллик йиллиги ҳамма соҳаларда мисли кўрилмаган зафарлар билан ишоналанди. Миллионларнинг умумхалқ ҳаракати, олға томон ҳаракатининг қудратли ва тўққизилтирувчи кучи бўлган социалистик мусобақа план ва режаларининг муваффақиятли адо этилишини ҳал қилиш билан бирга, янги чўққилар ва марраларга кўтарилишимизга сабаб бўлди.

Йилнинг сафарлари, якунилари, зафар ва чўққилари ҳаммамизнинг маънуви атиқда. Янги объектлар, уй-жой бинолари, маданият, коммунал қурилишлар, улкан корхоналар қад кўтарди. Қишлоқларимиз, шаҳар ва районларимиз чиройи янада гўзал бўлди. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида кўрсатиб ўтилганидек, Ватанимиз 1974 йилнинг умумхалқ сиёсий ва меҳнат жўшқинлиги вазиятида якунида бўлди. Бу йил партия билан КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини бажаришда янги муваффақиятларга эришди, социалистик экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришнинг ҳамма асосий йўналишларида олға томон дадил қатлам ташлади, меҳнаткашлар фаровонлиги муттаасил ошди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг ташқи сиёсат йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда, халқаро майдонда Совет Иттифоқининг обрў-эътибори ва нуфузи тинимсиз ўсмокда.

Республикамиз, шу жумладан, пойтахт области меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида муважжалланган барча топириқларини муваффақиятли адо этиди. Бу галаба — бошланғич йил йилимиз учун қувончли тўхфа ва мустаҳкам заминдир. Йил якунилари, қилинган ишлар, босиб ўтилган йўлларимиз назар ташлар эканмиз, келгуси йилда янада улкан ва катта ишлар олдимизда турганлигини тўла тасаввур этамиз. СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР ва Тошкент область Советининг бўлиб ўтган сессиялари 1974 йилда қилинган ишларимиз якунини муҳоама қилиб, келгуси йил халқ хўжалиги планларини тасдиқлади. Бу тарихий ҳужжатларда Ватанимизнинг янги раънақи, истиқбол, ривожланиш ва тараққиёт йўллари ёрқин кўрсатиб берилган.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми, ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу Пленумда сўзлаган ёрқин нутқи ҳар бир совет кишини, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бутун жамоатчилик учун бундан сўнгги ишларимизнинг жанговар программасидир.

Йил якунилари шу нарсани кўрсатмоқдаки, сановатда, қишлоқ хўжалигида, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишга туширилган ва тўла фойдаланилмай қолган резерв ва имкониятларимиз кўп. Айрим сановат корхоналари маҳсулотини реализация қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш планларини бажаришда, Капитал қурилиш ҳозирги талаблар даражасида эмас. Шу мақсад учун ажратилган маблағлардан тўла фойдаланилмади. Айниқса мактаблар ва боғчалар қурилиши суст-кашлик билан олиб борилмади. Қишлоқ хўжалигида ҳам мавжуд резервлар ва имкониятлар етарли даражада ишга солинмади.

Коммунистик партия совет халқини эришилган муваффақиятларини мустаҳкамлаш, ҳар бир иш, ҳар йил якунидан навбатли ишлар учун амалий ҳудудлар чиқариб олиш ва янги режалар асосида истиқбол сари интилиш руҳида тарбиялаб келмоқда. 1974 йилнинг улкан зафарлари галадиги ишларимиз учун илҳомбахш қувват бахш этади.

Партиямиз Марказий Комитети, унинг Сиёсий Бюроси, шашаев ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездининг Тинчлик программасини рўёбга чиқариш йўлидаги ташқи сиёсат фойдаланиш изчиллиги билан амалга ошираётган, мамлакатимизда коммунистик қурилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, социализм халқаро позицияларини мустаҳкамлаш, янги тинчлик ва халфсизликни таъминлаш соҳасида улкан ишлар олиб бормоқдалар. Мамлакатимиз ва партиямизнинг бу ленинча ташқи сиёсати жаҳондаги барча прогрессив инсоният томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Янги йил жаҳонда мустаҳкам тинчликни ўрнатиб, урушга қарши халқлар халфсизлигини таъминлаш ва социалистик қутиларнинг ривожланиши йўлида янада янги истиқбол йили бўлади.

Янги йил кўриб келмоқда, зафарли ва мунавар йил Бу йил ҳам мамлакатимиз тараққиётида олтин заррақалар очини. Бу йил ҳам халқимизга бахт-саодат, қувонч ва севинч олиб келсин.



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
УКРАИНА КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ
В. В. ШЧЕРБИЦКИЙГА СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ
ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш, дон етиштиришни анча кўпайтириш ҳамда 1973 ва 1974 йилларда давлатга бир миллиондан ортиқ гўлла сотишни таъминлаш соҳасида республика партия ташкилотлари ишга раҳбарлик қилишдаги жуда катта хизматлари учун Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Владимир Васильевич ШЧЕРБИЦКИЙГА Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, унга Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1974 йил 30 декабрь.



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ
Ш. Р. РАШИДОВГА СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ
ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш, пахта етиштиришни анча кўпайтириш ҳамда 1973 йилда давлатга 4,9 миллион тонна ва 1974 йилда 5,3 миллион тонна пахта сотишни таъминлаш соҳасида республика партия ташкилотлари ишга раҳбарлик қилишдаги жуда катта хизматлари учун Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, унга Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1974 йил 30 декабрь.



Москва. Қизил майдоннинг оқшомги кўриниши.

В. Егоров ва А. Стужин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

